



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам:

иш ҳақи — ойига 79 590 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 155 670 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 155 670 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 95 520 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган

ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидида корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли Фармони (1-бандининг иккинчи хатбоши ва 6-банди истисно қилинган ҳолда), 2012 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 9 ноябрь

Қарор ва ижро

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА



Суратда: Музабот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона мажмуаси шифокор-неонатологи Максуда Йомонова.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив санолатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Сурхондарё вилоятида ҳам туғуруқ-

хона мажмуалари фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Музабот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона мажмуаси замон талаблари даражасида жиҳозланиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошиб бораётир. Мажмуада туғуруқ, гинекологик ташхис, тезкор ёрдам кўрсатиш ишлари самарали йўлга қўйилган.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



БАРЧА ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР

партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилмоқда

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ» ЛОЙИҲАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОСҚИЧИ Бўлиб ўтди. Унда ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА ЎзХДПДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ, МАРКАЗИЙ БАНК, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ, СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

амалий ишлар самарадорлигини
оширишга хизмат қилади

ЎзХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ГАЛЛАОРОЛ ТУМАН КЕНГАШИ «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗДИ.

Унда вилоят ва туман партия кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари ходимлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари иштирок этди.

Семинарда партияимиз электорати манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш зарурлиги таъкидланди. Мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш муҳимлиги айтилиб, бу борада туман партия кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ишлари жонлантириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— **Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий таш-**

килотлари олдида бир қатор муҳим вазифалар қўйилган, — дейди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши масъул ходими Диёр Муродов. — **Хусусан, ЎзХДП ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, турмуш фаровонлигини янада ошириш, электорат манфаатларини самарали ҳимоя этишни ўз зиммасига олган. Бунда, айниқса, ижтимоий институтлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо тан олишимиз керак, бу борадаги ишларимизда изчиллик етишмаяпти. Ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларидан етарли фойдаланмаяпмиз.**

Тадбирда, шунингдек, туманда электорат манфаати билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам таҳлил этилди. Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда партия ташкилотлари амалий ишларини кучайтиришга келишиб олинди.

Меҳри БОБОЕВА

Диққат, янги рунк:
Фракция ва маҳаллий Кенгаш
депутатлари ҳамкорлиги

● ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

электорат манфаатларини
ҳимоя қилишдир

2-бет



«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ
ФАОЛЛАРИ:

— **ПАРТИЯМИЗ ЁШ АЪЗОЛАРИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШДА «ЎЗБЕКISTON OVOZI» ГАЗЕТАСИДА БИЛДИРИЛАДИГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА СУЯНАМИЗ.**

2013 йилда ҳам «ЎЗБЕКISTON OVOZI» ГАЗЕТАСИ БИЗГА ҲАМРОҲ ВА ЯҚИН КўМАКЧИ Бўлишини ИСТАЙМИЗ. ШУ БОИС УНГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БўЛДИК!

Диққат, янги рукн: Фракция ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлиги

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

электорат манфаатларини ҳимоя қилишдир



ев. — Шунингдек, кичик корхоналарга касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қабул қилиш, касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича яратилган имтиёзлар, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Депутатлик гуруҳи буларнинг барчасини ҳисобга олиб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлиф тайёрлади. Ўз сайлов округида сайловчилар билан учрашувлар жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мастура Сайфидинова ишчи гуруҳи таркибиде иштирок этиб, биз билан бирга масалани яна бир бор синчиклаб ўрганди. Мажлисининг ечими бўйича ўз тақлифларини берди. Натижада биз «Туманда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш бўйича амалга оширилмаётган ишлар тўғрисида»ги масалани туман Кенгаши сессиясига олиб чиқдик.

Депутатлар масалани батафсил муҳокама этганидан сўнг сессиянинг тегишли қарори қабул қилинди. Унда туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, касб-хунар коллежлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқиш, ҳар бир битирувчининг бўлғуси иш жойини аниқ белгилаш ҳамда уларни иш билан тўлиқ банд этиш вазифаси оқлатилди.

Халқ депутатлари туман Кенгашида ЎзХДПнинг 10 нафар депутати бор. Улар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ўйлан-тираётган масалаларни ўрганиб, муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий

тақлифлар беришмоқда. Бу эса бевосита электорат манфаатини таъминлаш, партиямиз дастурий мақсадларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

— Сайлов округида ўтказилган учрашувлар жараёнида айнан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси, ишга жойлашиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан кўплаб масалалар кўтарилган эди, — дейди **Мастура Сайфидинова**. — Бу масалаларни, аввало, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ваколатлари доирасида ҳал этишга ҳаракат қилаёلمиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кунда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлари томонидан мунтазам назорат механизми ўрнатилган. Партиямиз депутатлик корпусининг Дастур ижросини таъминлашдаги ўрни фақат назоратдангина иборат эмас. Балки янги иш ўринларини яратишда барча даражадаги депутатлар амалий жиҳатдан фаол иштирок этиши керак. Чунки бу нафақат янги иш ўринлари ташкил этиш, оилалар даромад манбаини яратиш, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, балки бу мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг ҳам кафолатидир.

Туман Кенгаши сессиясига киритилган мазкур масала чуқур муҳокама этилди, тақлифлар тайёрланди. Улар инobatга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Айни кунда қарор ижросини таъминлаш бўйича иш олиб борилаёпти. Мухими, электорат вакилларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда, уларнинг бандлиги, яъни ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ФУҚАРОЛАРГА МУНОСИБ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ БОРАСИДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАН. ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ҚАТОР АМАЛИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРМОҚДА.

2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида Фарғона вилоятининг Кува туманида 4536 та янги иш жойи очилиши режалаштирилган. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи партиямиз электорати манфаатидан келиб чиқиб, дастур ижросини қатъий назоратга олган. Депутатлар дастурнинг бажарилиши, бу борада белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида адо этилишини ўрганиб, шу асосдаги хулосаларни депутатлик гуруҳи йиғилишида бир неча маротаба муҳокама қилди.

Туманда 227 минг аҳоли яшайди. Уларнинг 122,7 минг нафари меҳнатга лаёқатли кишилар. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида жорий йил 3709 та иш ўрни вужудга келди.

2011-2012 ўқув-йилида тумандаги 7 та касб-хунар коллежи 2875 нафар ўқувчи тамомлади. Битирувчилар билан 636 та иш берувчи

ташкilot шартнома имзолаган. 1 август ҳолатига кўра, 1587 нафар битирувчи иш билан таъминланган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ва мустақил равишда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар 89 нафарни ташкил этган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 102-Кува сайлов округидан сайланган депутат. ЎзХДП фракцияси аъзоси Мастура Сайфидинованинг бевосита иштирокида депутатлик гуруҳининг масалани ўрганиш натижаларига кўра, бу борада айрим камчиликлар борлиги маълум бўлди. Хусусан, **битирувчи, коллеж ва корхона ўртасида имзоланадиган 3 томонлама шартномалар номигагина тузилган ҳоллар учрамоқда. Ҳатто мақбуллаштириш жараёнида туғатилган фермер ҳўжаликлари, яқна тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар билан ҳам шартномалар тузилган. Шартномаларнинг айримларида битирувчи, корхона раҳбарининг имзоси, муҳр кўйил-**

маган. Баъзиларида эса битирувчи ишга борадиган корхона номи кўрсатилмаган.

Яна бир масала шундаки, айрим корхоналарда ташкил этилган янги иш ўринларининг барқарор эмаслиги, ходимлар ҳуқуқлари муҳофаза қилинмаётгани ҳали ҳамон оғрикли нукталардан бўлиб турибди. Мисол учун «Кува дон маҳсулотлари» ОАЖда дастур бўйича касаначилик йўналишида 10 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Корхона томонидан шунча ходимга меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилган. Лекин уларга жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами очилмаган. Фақатгина 2 нафар ходимга январь ва февраль ойларида иш ҳақлари ҳисобланган. 8 нафар ходимни ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган бўлса-да, ҳозирча ишчи ўрни мавжуд эмас.

«Кува пахтани қайта ишлаш» ОАЖда Дастур асосида 20 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Ўрганиш натижасида корхонада касаначилик йўналишида 20 нафар ходимга меҳнат дафтарчалари очилган, шулардан фақат 5 нафари учун жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами ташкил этилган.

— Кўриниб турибдики, ҳали-ҳамон аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига юзика қараш ҳоллари учраб турибди, — дейди халқ депутатлари Кува туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Шерали Жўра-

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

БАРЧА ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР

партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилмоқда

Юртимизда маҳалла қадимдан кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Шу боис «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» концепциясида ҳам маҳалланинг аҳолини аниқ йўналтириш асосида ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ўрнига алоҳида урғу берилган. Партиямиз томонидан амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг мақсади бу борада ЎзХДП Сайловдони дастурида назарда тутилган. Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

— Ушбу лойиҳа доирасидаги тадбирлар асосан жойларда партия электорати — ижтимоий кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган инсонлар дуч келаётган муаммоларни яна бир бор чуқур ўрганиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқишга қаратилган, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Шу вақтга қадар лойиҳанинг маҳаллалар, туман (шаҳар) босқичлари ўтказилди. Уларда билдирилган фикрлар, кўтарилган масалалар асосида партия ташкилотларимиз, депутатларимиз томонидан қатор амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, Бектемир, Миробод ҳамда Мирзо Улугбек туманларида истикомат кўливи 100 дан ортиқ, Ҳамза туманида яшайдиган айрим жисмоний имконияти чекланган электорат вакиллари муҳим иш ўрнига эга бўлишига амалий ёрдам берилди. Бу шунчаки рақамлар эмас, уларнинг ортида кўплаб инсон-

лар тақдирини, келажагини ётибди. Шу ишлар натижасида бизга ишонган электоратимиз вакилларининг турмуши яхшиланаёпти. Бошлаган ишимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, аслида. Зеро, барча лойиҳа ва ташаббусларимиз электорат манфаатида хизмат қилиши керак.

— Пойтахтимизда 476 та маҳалла бўлса, шуларнинг 100 га яқинида мазкур лойиҳа доирасида тадбирлар ўтказдик, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Учкун Шойимкулов**. — Энг муҳими, мазкур тадбирларда аҳолини ўйлан-тираётган масалалар, электоратни ташвишга солаётган муаммолар жойида, яъни маҳалланинг ўзида ўрганилди. Бу эса халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатларимиз томонидан сессиялар муҳокамасига қатор масалаларни олиб чиқишимизга асос бўлиб хизмат қилади.

— ЎзХДП билан ҳамкорликда ўтаётган тадбир ҳар томонлама фойдали бўлмоқда, — деди **Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи Баҳром Шамсуддинов**. — Лойиҳанинг дастлабки босқичларида ҳам партия электорати томонидан асосан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қандай солиқ имтиёзлари мавжудлиги борасида саволлар тушди. Уларга атофлича жавоб беришга ҳаракат қилдик. **Мисол учун, энди ўз уйида тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар газ, сув, электр энергияси ҳамда бошқа коммунал тўловлар учун жисмоний шахсларга белгиланган тарифлар асосида ҳақ тўлайди. Аввалги қонун ҳужжатларига асосан эса**

бундай ҳолатда уй нотураархий моқомага ўтказилиб, уларга юридик шахсларга белгиланган тартибда солиқ солинарди. Халқ демократик партиясининг асосий мақсади тақлифларни яратилиши билан аҳолининг ҳаётини яхшилатиш билан аҳолини ўйлан-тираётган саволларга малакали жавоб қайтариш, балки, солиқ қонунчилиги, унга киритилаётган ўзгаришларни кенг тарғиб этишда катта имконият яратмоқда. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган киши кўпроқ ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёж сезади. Шу боис, уларга тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишининг ҳуқуқий асослари, уларга солиқ солиш ҳамда бизнес-режа тузиш тартиб-қоидалари тўғрисида тушунча берилди.

Шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бош мутахассиси Наргиза Қудусова сўзга чиқиб, пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, фуқароларга пенсия тайинлаш вақтида юзага келаётган айрим масалалар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритди.

Тадбир давомида партия депутатлик гуруҳларининг мазкур лойиҳа бўйича маҳаллаларда ўтказиб келаётган ишлари таҳлил этилди. Шунингдек, «Энг илғор маҳалла», «Янги иш ўринлари ташкил этишга энг фаол кўмаклашадиган маҳалла», «Оилаларни мустақамлаш борасида энг ташаббускор маҳалла», «Касаначиликни ривожлантиришдаги энг намунали маҳалла» ҳамда «Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга энг кўп ҳисса қўшаётган маҳалла» каби номинациялар бўйича голиб деб топилган маҳаллаларга махсус дипломлар топширилди.

— Маҳалламизда 5300 га яқин аҳоли истикомат қилади, — дейди Чилон-

зор туманидаги «Катта хирмонтепа» маҳалласи оқсоқоли, «Янги иш ўринлари ташкил этишга энг фаол кўмаклашадиган маҳалла» номинатсияси совриндори, **ЎзХДП Фаолият Бирлиги Хурсандов**. — Фаолиятимизда одамларни иш билан таъминлаш, жисмоний имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бераёلمиз. Маҳалламизда яқинда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги 5 нафар киши ўз ишини йўлга қўйди. Жорий йилда 30 дан ортиқ касб-хунар коллежи битирувчилари ҳамда 20 га яқин вақтинча ишсиз кишиларни иш билан таъминлашга ёрдам бердик.

— «Мустақам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ЎзХДП билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этдик, — дейди **Ўнубод туманидаги «Кулоққўрган» маҳалласи оқсоқоли, «Оилаларни мустақамлаш борасида энг ташаббускор маҳалла» номинатсияси совриндори Фани Одилов**. — Мазкур тадбирлар доирасида аҳоли орасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик. Ёш ҳамда турмушида муаммоларга учраётган оилалар билан кўпроқ ишлашга ҳаракат қилдик. Бунинг натижасида маҳалламизда оилалар мустақамланиб, фаровонлик даражаси йилдан-йилга ошиб бораёпти.

Тадбирда, шунингдек, электорат дуч келаётган турли ижтимоий масалаларни ўрганиш ва самарали ҳал этиш, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда маҳалла билан ҳамкорликни янада мустақамлаш зарурлиги таъкидланди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА СИРДАРЁ ТУМАНИДА «ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ, «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ЕТАКЧИЛАРИ, ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҶМИТАСИ, ТУМАН БАНДЛИККА КҶМАКЛАШИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАРКАЗИ, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ВИЛОЯТ БҶЛИМИ МАСЪУЛЛАРИ, МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ФАОЛЛАРИ, ЭЛЕКТОРАТ ҲАМДА ЁШ ОИЛАЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШИШИ —

оила ва жамият мустақамлиги гарови

— Юртимизда хотин-қизлар давлат ва жамият бошқарувида фаол қатнашиши учун тегишли ҳуқуқий механизм яратилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова**. — Уларнинг илм олиш, касб-хунар эгаллаш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланган. Мамлакатимиз ривожланган давлатлар қатори «Хотин-қизлар камситилишининг барча кўри-нишлариغا барҳам бериш» бўйича Халқаро Конвенцияга қўшилди. «Халқаро меҳнатни муҳофаза қилиш», «Оналикни муҳофаза қилиш», «Меҳнат ва бандлик борасида камситилишларга барҳам бериш» каби ўнлаб халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган. Шунингдек, партиямиз дастурида ҳам хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирокини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий фаолигини ошириш билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланган. Шу боис партия ташкилотларимиз хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги, сиёсий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни бундан кейин ҳам кўпроқ олис ҳуудларда ташкил этиши, уларнинг баҳс-мунозара асосида, амалий руҳда ўтиши учун давлат ва жамият ташкилотлари билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиши керак, албатта.

Тадбирда «Мустақам оила йили» Давлат дастури ва ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда «ФАОЛ аёллар» қаноти иштирокини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қанотнинг бу борадаги фаолияти таҳлил қилиниб, хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Дастурларда белгиланган хотин-қизлар манфаати ҳимояси билан боғлиқ масалалар, хусусан, иш билан таъминлаш, меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасига эришиш, ёш оилаларга яратиб берилган имтиёزلардан фойдаланишда қанот фаол-

ларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидеги партия депутатлик гуруҳлари билан бирга ишлаш кўникмасини янада мустақамлаш зарурлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида, шунингдек, партия ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, бошланғич ташкилотларнинг электорат манфаатини ҳимоя этишга қаратилган амалий ишлари таҳлил этилди. Бу борада депутатлар, партия фаолларининг тақлиф ва тавсиялари тингланди.

— Маҳалламизда 2394 нафар аҳоли истикомат қилади, — дейди **ЎзХДП «ФАОЛ аёллар» қаноти аъзоси Максуда Пармонова**. — Шундан 1290 нафари хотин-қизлар. Қанотимиз уларнинг ижтимоий-иқтисодий билими ва фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни мунтазам ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фаолиятимиз бўйича билдирилган фикрлар шуни кўрсатдики, фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва саломатлигини таъминлаш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, сиёсий фаолиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларимизда камчиликлар оз эмас. Биз бундан тегишли хулоса чиқаришимиз, берилган тавсиялардан унумли фойдаланишимиз керак.

Давра суҳбати якунида «ФАОЛ аёллар» қаноти фаолиятини янада кучайтириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Алишер РАВШАНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳолат, таҳлил, мулоҳаза

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ОҚИБАТИ

КИШИНИНГ ЁШЛИК ДАВРИДА АЛКОГОЛНИНГ ТОКСИК ТАЪСИРИ МИЯ ВА ИЧКИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЕЗ БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ, ИНСОННИНГ МЕЪЁРДАГИ ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ РИВОЖЛАНИШИ БУЗИЛАДИ; ЭРТА БОШЛАНГАН АЛКОГОЛГА ҚАРАМЛИК ҲАЛОКАТЛИ КЕЧИШИ МУМКИН ВА У ДАВОЛАНИШГА БЎЙСУНИШИ ҚИЙИН; ТИББИЁТДА 30-35 ГРАММ СПИРТЛИ ИЧИМЛИК ОДАМНИНГ АҚЛИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ БИР НЕЧА СОАТДАН БИР НЕЧА КУНГАЧА ПАСАЙТИРИШИ ИСОТЛАНГАН.

Орамизда шундайлар ҳам бор, топган пулга ичкилик олиб кўчада соғуради, фарзандига лоқал бир донна китоб олиб бермайди. Барча тамадхоналарни изғиб чиққан, лекин ўғли ўқийдиган мактаб қаердалигини билмайди. Ароқни ёрлигидан танийди, боласи кундалигини бир марта ҳам арақлаб кўрмаган... Уйда виски ва ликёрнинг турли хиллари бор, аммо ўқишга бир донна газета ёки бадиий адабиёт йўқ. Тадқиқотларга қараганда, дастлабки қадаҳ қанчалик ёшлиқда ичилса, унинг

бошланган алкоколга қарамлик ҳалокатли кечishi мумкин ва у даволанишга буйсунмайди. Тиббиётда 30-35 грамм спиртли ичимлик одамнинг ақлий қобилиятини бир неча соатдан бир неча кунга пасайтириши исботланган. Бир култур — 20-25 грамм ичкилик ҳарф терувчининг иш тезлигини 15 фоизга секинлаштиради, хатолар сонини эса 20 фоизга оширади. Хафтада 300 грамм спиртли ичимлик ичиб юрвучи кишида инсулът хавфи ичмайдиганларга нисба-

нерал губернаторининг мактуби келтирилган: «... биз европача маданиятнинг ҳар хил салбий жиҳатларини олиб кирдик. ... пивохона, ресторани, бангхона ва фоҳишахоналар энди каттароқ қишлоқларда ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ёшлар ушбу кўнгилхушлиқларга муккасида шўнғиб кетиб, ... натижада улар орасида қотиллар, ўғрилар, бузуқ ва безорилар пайдо бўлди». Дарҳақиқат, экансия културларидан бири. У миллий қадриятларни емиришга хизмат қилади. Миллатнинг соғлом генини бузиб, касаллайди. Одамларни ахлоқсизлик ва бузуқликка етаклайди. У туфайли бузилаётган оилалар, генофонд, етказилаётган тан ва қалб жароҳатлари, моддий ва маънавий зиёнлар ҳақида фақат афсус билан гапириш мумкин.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жой номлари билан номланган спиртли ичимликлар ҳам талайгина. Жой номи — муқаддас, ватанининг бир парчаси, муҳим бир бўлаги, ажодлар билан бизни боғлаб турвучи кўприк. Номлар бу — тарбия, улар — қадрият. Унда ажодлар қадр-қиммати, маънавияти, хоки-туроби ётибди. Муқаддас номларни инсон соғлигига зарар етказувчи нарса юзига ёпиштириш ватанини севish, ардоқлаш ва танитишга хизмат қилармикан? Бундай ном, бундай ватанпарварлик фахр-ифтихор берармикан? «Ташкент ароғи», «Самарқанд коньяги» ёки «Қириқ пивоси» каби номлар қанчалик тўғриликни ўйлаб кўриш керакми ўхшайди.

Мамаклатимиз қонунлари ёшлар манфаатини қаттиқ ҳимоялайди: бизда спиртли маҳсулотлар рекламаши тақиқланган. 20 ёшга тўлмаган фуқарога спиртли маҳсулот сотганлар жазоланади. Аммо ушбу ҳимоя усулларининг мунтазам ва самарали ишлаши ҳар биримизга — фуқаро, устоз, ота ёки она сифатида масъуллигимизга боғлиқ.

1929 йили нашр қилинган «Туркистон — колония» асарида Туркистон ўлкаси генерал губернаторининг мактуби келтирилган: «... биз европача маданиятнинг ҳар хил салбий жиҳатларини олиб кирдик. ... пивохона, ресторани, бангхона ва фоҳишахоналар энди каттароқ қишлоқларда ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ёшлар ушбу кўнгилхушлиқларга муккасида шўнғиб кетиб, ... натижада улар орасида қотиллар, ўғрилар, бузуқ ва безорилар пайдо бўлди». Дарҳақиқат, экансия културларидан бири. У миллий қадриятларни емиришга хизмат қилади. Миллатнинг соғлом генини бузиб, касаллайди. Одамларни ахлоқсизлик ва бузуқликка етаклайди. У туфайли бузилаётган оилалар, генофонд, етказилаётган тан ва қалб жароҳатлари, моддий ва маънавий зиёнлар ҳақида фақат афсус билан гапириш мумкин.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жой номлари билан номланган спиртли ичимликлар ҳам талайгина. Жой номи — муқаддас, ватанининг бир парчаси, муҳим бир бўлаги, ажодлар билан бизни боғлаб турвучи кўприк. Номлар бу — тарбия, улар — қадрият. Унда ажодлар қадр-қиммати, маънавияти, хоки-туроби ётибди. Муқаддас номларни инсон соғлигига зарар етказувчи нарса юзига ёпиштириш ватанини севish, ардоқлаш ва танитишга хизмат қилармикан? Бундай ном, бундай ватанпарварлик фахр-ифтихор берармикан? «Ташкент ароғи», «Самарқанд коньяги» ёки «Қириқ пивоси» каби номлар қанчалик тўғриликни ўйлаб кўриш керакми ўхшайди.

Мамаклатимиз қонунлари ёшлар манфаатини қаттиқ ҳимоялайди: бизда спиртли маҳсулотлар рекламаши тақиқланган. 20 ёшга тўлмаган фуқарога спиртли маҳсулот сотганлар жазоланади. Аммо ушбу ҳимоя усулларининг мунтазам ва самарали ишлаши ҳар биримизга — фуқаро, устоз, ота ёки она сифатида масъуллигимизга боғлиқ.

1929 йили нашр қилинган «Туркистон — колония» асарида Туркистон ўлкаси генерал губернаторининг мактуби келтирилган: «... биз европача маданиятнинг ҳар хил салбий жиҳатларини олиб кирдик. ... пивохона, ресторани, бангхона ва фоҳишахоналар энди каттароқ қишлоқларда ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ёшлар ушбу кўнгилхушлиқларга муккасида шўнғиб кетиб, ... натижада улар орасида қотиллар, ўғрилар, бузуқ ва безорилар пайдо бўлди». Дарҳақиқат, экансия културларидан бири. У миллий қадриятларни емиришга хизмат қилади. Миллатнинг соғлом генини бузиб, касаллайди. Одамларни ахлоқсизлик ва бузуқликка етаклайди. У туфайли бузилаётган оилалар, генофонд, етказилаётган тан ва қалб жароҳатлари, моддий ва маънавий зиёнлар ҳақида фақат афсус билан гапириш мумкин.

Мамаклатимиз қонунлари ёшлар манфаатини қаттиқ ҳимоялайди: бизда спиртли маҳсулотлар рекламаши тақиқланган. 20 ёшга тўлмаган фуқарога спиртли маҳсулот сотганлар жазоланади. Аммо ушбу ҳимоя усулларининг мунтазам ва самарали ишлаши ҳар биримизга — фуқаро, устоз, ота ёки она сифатида масъуллигимизга боғлиқ.

Мамаклатимиз қонунлари ёшлар манфаатини қаттиқ ҳимоялайди: бизда спиртли маҳсулотлар рекламаши тақиқланган. 20 ёшга тўлмаган фуқарога спиртли маҳсулот сотганлар жазоланади. Аммо ушбу ҳимоя усулларининг мунтазам ва самарали ишлаши ҳар биримизга — фуқаро, устоз, ота ёки она сифатида масъуллигимизга боғлиқ.

Мамаклатимиз қонунлари ёшлар манфаатини қаттиқ ҳимоялайди: бизда спиртли маҳсулотлар рекламаши тақиқланган. 20 ёшга тўлмаган фуқарога спиртли маҳсулот сотганлар жазоланади. Аммо ушбу ҳимоя усулларининг мунтазам ва самарали ишлаши ҳар биримизга — фуқаро, устоз, ота ёки она сифатида масъуллигимизга боғлиқ.

Мамаклатимиз қонунлари ёшлар манфаатини қаттиқ ҳимоялайди: бизда спиртли маҳсулотлар рекламаши тақиқланган. 20 ёшга тўлмаган фуқарога спиртли маҳсулот сотганлар жазоланади. Аммо ушбу ҳимоя усулларининг мунтазам ва самарали ишлаши ҳар биримизга — фуқаро, устоз, ота ёки она сифатида масъуллигимизга боғлиқ.

Энг қадимги иллатлардан бири — ичкиликбозлик сабабли юз берган кулфатлар, фожиалар тўғрисида ўтмишдан ҳам, бугунги кундан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ичкилик нафақат оддий одамлар, қанча истеъдодлар, давлат ва жамиятлар мағлубиятига сабаб бўлган. Афсуски, бугун ҳам ичкиликбозлик оилаларга нотинчлик, мусибат ва гам олиб кираётди. Нав-нихол йигитларнинг умрини ҳазон этмоқда. Жиноятларнинг аксарияти ҳам ичкиликбозлик ортидан содир этилиши ўз исботини топган. Шунингдек, йўл транспорт ҳодисаларида ичкиликнинг «ҳиссаси» ҳар доим салмоқли бўлиб келган.

Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида яшовчи Н. исмли фуқаро тун ярмида маст ҳолатда автомобилни бошқаради ва машинани қарама-қарши йўналишга буриб, йўлни кесиб ўтаётган М.ни уриб юборади. Бир неча метр юзга улоқтирилган пйёда рўпарадан келаятган бошқа бир машина тагида қолади. Натижада у воқеа жойида жони узилади.

Маст ҳолатда автомобилни бошқариш оқибатида юз берган бундай жиноятларга мисоллар оз эмас.

Ташвиш билан қайд этиш лозимки, спиртли ичимлик истеъмолчилари ёши ёшариб бормоқда. Ҳали она сути оғзидан кетмаган ёшлар орасида спиртли ичимликларга рўжу қўйилган борлигига бефарқ қараб бўлмайди. Албатта, уларнинг бу



борадаги «устози» катталар ҳисобланади. Психологлар болада ўзидан ёши катталарга кўр-кўрона тақлид қилиш хусусияти кучли экани, шунинг учун бола ўсаётган муҳит унинг тарбиясида муҳим ўрин тутганини кўп бор таъкидлашган. Буни халқимиз «қуш уясида кўрганини қилади» дейди. Эслиман, 10 мингдан зиёд одам истикомат қиладиган каттақон қишлоғимизда битта пиёниста бўларди. Бугун эса қишлоқда ўнга яқин ошхона бор, мижозларнинг аксарияти қишлоқ ёшлари. Улар йигини «юзта-юзта» сиз ўтмайди. Бу оддий ҳолатга айланган. Тўй дастурхонлари тўкинлиги эса ичкилик билан баҳоланмоқда. Ҳатто оғиз кўпиртириб, мактаб кўйлида: «Фалон сўмлик қиммат ароқ кўйди, чет элники экан...».

оқибати шунчалик оғир ва аянчли бўлади. 14-16 ёшли ўсмир томонидан истеъмол қилинган бир қадаҳ вино катта ёшли одамнинг бир шиша ароқ ичганидан кучлироқ таъсир кучига эга. Ер юзидеги 100 та ўз жонига қасд қилганларнинг ярмисини ичкиликбозлар ташкил қилса, уларнинг аксарияти ёшлар экан — нақадар ачинарли маълумот.

— Айниқса, 20 ёшгача бўлган даврда алкоколнинг токсик таъсири миё ва ички аъзоларнинг фаолияти тез бузилишига олиб келади, инсоннинг метёрдаги жисмоний ва руҳий ривожланиши бузилади, — дейди **Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиги Дониёр Миразимов**. — Бу даврда

тан тўрт марта кўп. Мунтазам ичкилик, энг аввал, жигарни эзгилайди. Заҳарланиш ва зарарланиш оқибатида у церрозга айланади, яъни бужмайиб, қурий бошлайди. Бош миё фаолиятининг кескин бузилиши натижасида хотира сусаяди. Бундан ташқари, юрак-қон томири тизимини издан чиқаради. Бу ҳол қон томирларининг сиқилиши ва қон босимининг ошиши сифатида намоён бўлади. Мунтазам ичкилик жисмоний дармонсизлик ва қаратликка олиб келади, иш қобилияти ва ироддани сусайтиради. Ироддасизлик эса мутелик ва қарамликни пайдо қилади. Ироддасиз одамни ҳар нарсага етаклаш мумкин.

1929 йили нашр қилинган «Туркистон — колония» асарида Туркистон ўлкаси генерал губернаторининг мактуби келтирилган: «... биз европача маданиятнинг ҳар хил салбий жиҳатларини олиб кирдик. ... пивохона, ресторани, бангхона ва фоҳишахоналар энди каттароқ қишлоқларда ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ёшлар ушбу кўнгилхушлиқларга муккасида шўнғиб кетиб, ... натижада улар орасида қотиллар, ўғрилар, бузуқ ва безорилар пайдо бўлди». Дарҳақиқат, экансия културларидан бири. У миллий қадриятларни емиришга хизмат қилади. Миллатнинг соғлом генини бузиб, касаллайди. Одамларни ахлоқсизлик ва бузуқликка етаклайди. У туфайли бузилаётган оилалар, генофонд, етказилаётган тан ва қалб жароҳатлари, моддий ва маънавий зиёнлар ҳақида фақат афсус билан гапириш мумкин.

Ўқув машғулоти

СОЛИҚ ХИЗМАТИДА

Давлат солиқ қўмитасида бўлиб ўтган навбатдаги касбий-иқтисодий ўқув машғулоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 октябрдаги «Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланди.

Тадбирда мамлакатимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган илмий-ислохотлар фермерлик ҳаракатининг жадал ривожига кенг йўл очаятгани ҳамда фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қўшимча имконият ва имтиёзлар берилаётгани алоҳида таъкидланди. Фармонда Солиқ кодексига пахта терими бўйича мавсумий қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинган ишчиларни даромад солиғи тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи қўшимча киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, Қонун ҳужжатларига томчилаштириб суғуриш тизимини жорий қилган юридик шахсларнинг ер участкаларига ягона ер солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод қилишни назарда тутувчи ўзгартириш киритиш ва бу борада Солиқ кодексига қўшимча киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли топшириқлар берилганини айтиб ўтилди.

Давлат солиқ қўмитаси Солиқ солиш методологияси бошқармаси Солиқ солиш методологиясини тақомиллаштириш бўлими бошлиғи Ф.Азизов тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 октябрдаги «Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Давлат солиқ қўмитасининг тегишли буйруғи қабул қилингани, бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

2012 йил 11 декабрь куни очик аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Ташкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг автокорхонаси балансидаги 1989 й. и/ч, д/р 10 ТQ 714, бошлангич нархи 3 950 000 сўм бўлган «MA03-54322», 1990 й. и/ч, д/р 10 ТQ 712, бошлангич нархи 3 950 650 сўм; д/р 10 ТQ 737, бошлангич нархи 3 950 700 сўм; 1986 й.и/ч, д/р 10 ТQ 614, бошлангич нархи 3 650 700 сўм бўлган унча «КамАЗ-5321», 1985 й. и/ч, д/р 10 ТQ 704, бошлангич нархи 4 107 000 сўм бўлган «КамАЗ-5320», 1986 й. и/ч, д/р 10 ТQ 756 бўлган ва 1987 й. и/ч, д/р 10 ТQ 757 бўлган бошлангич нархи 2 300 500 сўмдан иккита «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситалари; 1989 й. и/ч, д/р 10 ТQ 735, бошлангич нархи 1 500 000 сўм ва 1985 й. и/ч, д/р 10 ТQ 761, бошлангич нархи 1 350 000 сўм бўлган «1-ПП-12» русумли иккита ярим тиркама; Ташкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156-«а» уйда жойлашган «CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEKSI» Очик акциядорлик жамиятининг 2004 й. и/ч, д/р, 01/508 IWA, бошлангич нархи 11 911 909,76 сўм бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Бюрогма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдо қилиниши учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдориде закат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қилиниши учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдориде закат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қилиниши учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдориде закат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.


Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Суд департаменти Ташкент вилоят бошқармасига қарашли д/р 11 AF 065 бўлган «Нексия» — 11 930 000 сўмга, д/р 10 AU 452 бўлган «УАЗ-330302024» — 14910000 сўмга; д/р 01 554 JBA бўлган «ВОЛЬВО» — 8380000 сўмга; «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйига қарашли д/р 10 AT 502 бўлган «ПАЗ-320510» — 5040000 сўмга, д/р 01 056 BCA бўлган «Дамас» — 7560000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг уй-жой-коммунал ва меҳмонхоналар хўжалиги балансидаги «МП-1600» русумли мотопомпа 525000 сўмга, рўйхат рақами 10А722 бўлган «Jet Ski» русумли гидроцикл 2960000 сўмга, рўйхат рақами 10А724 бўлган «GLASTRON SX 170» русумли катер 8760000 сўмга, рўйхат рақами 10А723 бўлган «GLASTRON SX 170» русумли катер 8130000 сўмга, д/р 01/535 PPP бўлган «Нексия» 6350000 сўмга, д/р 01/519 PPP бўлган «ГАЗ-3102» 2050000 сўмга, д/р 01/306 JBA бўлган «ГАЗ-3102» 3300000 сўмга, д/р 01/512 PPP бўлган «УАЗ-31515» 3120000 сўмга, д/р 10А254 бўлган «ЛУАЗ-44704» 3450000 сўмга, д/р 01/510 PPP бўлган «Дамас» 4000000 сўмга, д/р 01/527 PPP бўлган «Дамас», 4350000 сўмга, д/р 01/529 PPP бўлган «Дамас» 4450000 сўмга, д/р 01/532 PPP бўлган «Дамас», 4700000 сўмга сотилганини маълум қиламиз.



Хориж ТЕХНИК НОСОЗЛИК

сабаб бўлди

Жанубий Кореядаги Йонван атом электр станциясида бир нечта реактор фаолияти вақтинча тўхтатилди. Сабаби — техник носозликлар. Айнан шу носозликлар эса уларнинг ҳужжатлари қалбаки эканлигини фош этди.




Шу боис мамлакатдаги «Korea Hydro and Nuclear Power» давлат энергетика компанияси ноқонуний ҳужжатлар билан махсулот ишлаб чиқарган компания фаолиятини текширувдан ўтказди. Жанубий Корея иқтисодий вазири Хонг Сук Вунинг айтишича, ушбу атом реакторлари фаолиятининг тўхтатилиши жорий йилда мамлакатда электр энергияси тақчиллигини юзага келтириши мумкин. Бироқ хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган атом реакторларидан фойдаланиш бундан-да каттароқ муаммоларга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Юзага келадиган энергия тақчиллигининг олдини олиш учун эса бошқа чоралар ишлаб чиқилади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мамлакатда айни пайтда умумий ҳисобда 23 та атом реактори ишламоқда.

КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

деярли бир хил

Асалнинг минг дардга даво эканлиги қадимдан маълум. Ибн Сино бобимиз буни илмий ва амалий жиҳатдан исботлаб берган. Лекин шундай бўлса-да бугунги замон олимлари асалнинг янги хусусиятларини тадқиқ этиш борасида изланишларни давом эттирмоқдалар.

Яқинда янги Зеландиялик олимлар асал, гул чанги, асалари заҳри аралашмаси ёрдамида псориаз, қон томирларининг кенгайиши, артроз ва остеохондроз каби касалликларни даволаш мумкинлигини исботладилар. Интернет манбаларида ёзилишича, асал таркибидеги организм учун жуда зарур бўлган йод, темир, марганец, цинк, кобальт, фтор каби 30 га яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиклари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш ҳамда жигарни тозалаш имконини беради.



Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра, асалнинг 30 фоизли эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма турини ҳам боса олади. Боиси қон билан асалнинг кимёвий таркиби даярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахлиқ борасида тенгсиз ҳисобланади.

АНТИҚА КЎЗ ОЙНАК

иштаҳага таъсир этади

Бугунги кунда ортиқча вазнга эга бўлган одамлар сони ортиб бораётгани бу масала ижтимоий муаммога айланаётганидан дарак беради. Бу эса ушбу муаммога глобал тус олмади туриб бартараф этишни тақозо қилади. Шу боис ҳам олимлар ортиқча вазндан халос бўлишнинг турли йўллари ишлаб чиқмоқдалар ва амалиётга жорий этмоқдалар.

Япониялик олимлар томонидан иштиро қилинган антиқа кўзойнак ҳам айнан инсоннинг ортиқча вазндан халос этишни назарда тутди. Мазкур кўзойнакларнинг сири шундаки, дейилади маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарда, унга ўрнатилган махсус ойна тановул қилинаётган таом ҳажмини қарийб 50 фоизга катталаштиради. Бундан ташқари, кўзойнакдан овқатнинг махсус хушбўй ҳиди тараладики, у кишини тўйдириш хусусиятига эга. Ва қарабсизки, одам овқат ейтишга бўлган истак сўнади. Бундай кўзойнакни тақиб овқатланган ҳар қандай инсон одатдаги-дан 10 фоиз кам овқат ейди.



Антиқа кўзойнак яқинда Японияда ўтказилган «Digital Content Expo» кўргазмасида намойиш этилди. Бу инновацион технология 2013 йилда сотувга чиқарилади.

УЧ КУНЛИК МОТАМ

эълон қилинди

Гватемала президенти Отто Перес Молина мамлакатда юз берган табиий офат оқибатида халок бўлганлар хотирасига уч кунлик миллий мотам эълон қилди, дея хабар беради «France Presse» АА.



7 ноябрь кунги табиий офат — 7,4 магнитудага тенг zilzila оқибатида 52 киши ҳаётдан кўз юмди, бир қанча уйлар вайронга айланди. Вайронлар остида қолиб кетганлар ҳисобига қурбонлар сони яна ортиши мумкинлиги айtilлмоқда. Зilzиладан Гватемаланинг Сан-Маркос шаҳри энг кўп зарар кўрди. Шу боис шаҳар аҳолиси ўз уйларига киришдан қўриқиб, икки кечани кўчаларда тунаб ўтказди.

СИГАРЕТ ЧЕКИШ

катаракта хавфини оширади

Хитойнинг Чжэцзян университети қошидаги Офтальмология институти олимлари узок вақт олиб борган тадқиқот натижаларини эълон қилдилар.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган ахборотга кўра, сигарет чекиш катаракта хавфини ошириши, яъни кўз хиралашшига олиб келиши мумкинлиги исботланди. Чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан кўзининг ушбу турдаги касалликка чалиниш хавфи анча юқори.



Агар ўз вақтида катарактанинг олди олинмаса, ёхуд тўғри даволанмаса, кишининг кўзи оғир бўлиб қолиши мумкин. Шу боис экспертлар чекишдан бутунлай фориг бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлашмоқда.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИГА

яна бир қадам қолди

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ (U-19) «С» ГУРУҲИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ, ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ.

Мусобақанинг гуруҳ босқичи охириги тур уйинлари ниҳоятда муросасиз кечди. Аҳмадҷон Мусаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг чорак финалга йўлланма олиши учун КХДР футболчилари устидан галаба қозонишлари талаб этиларди. Иккинчи турда вакиллари мизнинг йорданияликлар билан дуранг ўйнагани, КХДР терма жамоасининг эса вьетнамликларни йирек 5:0 ҳисобида доғда қолдирганиги охириги уйинда ҳар икки жамоа аъзоларини фақат галаба иштиғиди тўп суришга ундади. Учрашувнинг биринчи бўлими тенг курашлар остида ўтди ва унда

дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди — 0:0. Танафусдан сўнг, ҳамюртларимиз майдонда уюшқоқлик билан тўп суриб, ташаббусни ўз қўлларига олди. Учрашувнинг 80-дақиқасида рақиб жарима майдончаси ичида Игорь Сергеевга нисбатан уйин қоидаи бузилди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Сергеевнинг ўзи бехато амалга оширди — 1:0. Шундан сўнг ҳам ёшларимиз ҳужумкорликни бир зум бўлса-да, сусайтирмади. Орадан тўрт дақиқа ўтиб, яна бир иқтидорли ҳужумчимиз Темур Ҳақимов ўзини кўрсатди ва галабани мустақамлади — 2:0. Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жа-

моаси ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланмани қўлга киритди. — Ўтган учрашувда Иордания терма жамоаси билан дуранг ўйнаганимиздан кейин йигитларни фақат галаба учун руҳлантиришга ҳаракат қилдик, — деди терма жамоамиз бош мураббийи Аҳмадҷон Мусаев. — Мақсадимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланма олиш эди. КХДР футболчиларига қарши баҳсда жамоамизнинг барча аъзолари топшириқ ва қўрсатмаларимни аъло даражада бажарганидан хурсандман. Олдинда янада жиддий учрашув кутиб турибди. Унда галаба қозонсак, келаси йили ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатиға йўлланма оламиз. Бунга эришиш учун бор куч-имкониётимизни ишга соламиз. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Иордания — Вьетнам футболчилари майдонга тушди — 5:2.



Мусобақанинг қолган гуруҳларида учинчи тур баҳслари қуйидагича якунланди: «А» гуруҳи: БАА — Япония — 0:0, Эрон — Қувейт — 6:0. «В» гуруҳи: Жанубий Корея — Хитой — 1:0, Таиланд — Ироқ — 0:3. «Д» гуруҳи: Австралия — Саудия Арабистони — 1:1, Сурия — Қатар — 1:2. Энди эртага Осийё чемпионати ярим финалчилари но-

«С» ГУРУҲИ. ЯКУНИЙ ВАЗИЯТ.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	3	2	1	0	8-2	7
Иордания	3	1	2	0	8-5	5
КХДР	3	1	1	1	6-3	4
Вьетнам	3	0	0	3	2-14	0

йидаги жамоалар майдонга чиқади: Эрон — Жанубий Корея, Австралия — Иордания, Ироқ — Япония.
Эркин ХОЛБОВО



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Оилада севги қанча кучли бўлса, соғлом бола туғилиш эҳтимоли шунча кўп.

Оналар алласи — одамзот яратган қўшиқларнинг ибтидоси.

Одамга исм, бўрк ва қурол берилади, чақалоқлигидан бошлаб унга алла айтиб она тилига, ўз юртига меҳр сингдирилади.

Ҳар бир одам болалигидан ўз ҳалқининг вакили бўлиши учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак.

Одам фақат атама эмас — увон, увон бўлганда ҳам жуда юксак увонга муносиб бўлиши учун бир умр интилиши керак.

Расул ҲАМЗАТОВ

Ифтихор

ДУНЁДА ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИГАН, МАРТАБАСИНИ ОШИРАДИГАН, ШУ БИЛАН БИРГА КИШИДАН БИЛИМ ВА КУЧЛИ ИРОДА ТАЛАБ ЭТАДИГАН КАСБЛАР КЎП. МЕН МАНА ШУНДАЙ КАСБ ЭГАСИ — ЎҚИТУВЧИМАН. ЙИГИРМА Беш йилдан буён бойсун туманидаги 6-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ДАРС БЕРАМАН. УЛАРГА ДАРС ЎТИШ БИЛАН БИРГА ОНГИГА ВАТАНПАРВАРЛИК, ОДАМИЙЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ СИНГДИРИБ БОРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН.

Ибратли оилалар

«ШОФАЙЗИ»НИНГ ФАЙЗЛИ ХОНАДОНИ

ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ, УНДА ЮРТИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН ФАРЗАНДЛАР ВОЯГА ЕТАДИ. УЛАРНИ КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ КАМОЛ ТОПИШИ КЎП ЖИХАТДАН ОТА-ОНАГА БОҒЛИҚ. ЮРТИМИЗДА ЎЗЛАРИ ИБРАТ БЎЛИБ, ФАРЗАНДЛАРИНИ ЭЛ-ЮРТ КОРИГА ЯРАЙДИГАН ҲАЛОЛ, МЕҲНАТСЕВАР, ВАТАНПАРВАР ЭТАИБ ТАРБИЯЛАЁТГАН ХОНАДОНЛАР ВА ОИЛА БОШЛИҚЛАРИ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

фанларни аълога ўзлаштириб келмоқда. — Маҳалламизда 1500 та оила бўлса, — дейди «Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шамсидинов, — улар орасида Абдуқодировлар оиласи энг намуналиларидан бири ҳисобланади. Меҳр-оқибатли, аҳил-иноқ, ахлоқ-одобли, зиёга интилувчи ва зиё тарқатувчи. Бир-бирларини сизлаб гапирувчи бу оилга ма-

КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН!



гидек ёдимда. Ўшанда жуда ҳаяжонланганман. Мактабнинг тажрибали ўқитувчилари устозлик қилишди. Уларнинг ўғитлари билан тажриба тўпладим, касб сир-синоатини ўргандим.

Илк бора катта ҳаётга қадам қўяётган болани қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Ҳар йили мактабга биринчи синф болаларини қабул қилиш жараёнида шунга амин бўламанки, Юртбошимиз томонидан бериладиган «Президент савғаси» уларни бениҳоя қувонтиради.

Болаларнинг юз-кўзидаги ҳайрат ва бахтиёрликни тасвирлаб бериш қийин. Шубҳасиз, бу кун улар қалбидан бир умр сақланиб қолади ва аъло баҳоларга ўқишга ундаб туради.

Касбим орқасидан ҳурмат толдим, одамлар эътиборига тушдим. Бундан хурсанд бўлман. Шогирдларим олий ўқув юртига кирганда ёки бирор ютуққа эришганида кўксим ифтихорга тўлади. Шундай шарафли касбни танлаганимга шукр қиламан.

Расул ТУРСУНОВА

Менда ўқитувчиликка қизиқиш оилавий муҳит туфайли пайдо бўлган, десам адашмайман. Чунки онам Раҳима Ҳасанова туманидаги 39-умумтаълим мактабидан 40 йилга яқин она тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга таълим берган. Ҳозирги кунда синглим Зебо Турсунова ҳам онам изидан бориб шу касбни эгаллади. Болаларнинг онамга бўлган интилиши, ҳурмати, онамнинг ўқувчиларга бўлган муносабатини кўриб ўқитувчиликни танлашга қарор қилдим. Шу боис илк устозим онам ҳисобланади. Шу ниятда Термиз давлат университетидан бошланғич таълим йўналишида тахсил олдим. Устозлардан касбим сир-асрорини кунт билан ўргандим. Ўқишни тамомлаган, онамнинг дарс бериш жараёнларини кузатдим, амалиёт ўтдим. Ўзим мустақил дарс ўтдим. Биринчи дарсим кеча-



Пойтахтимизнинг «Шофайзи» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдуқодировлар хонадони маҳалладаги ана шундай энг намунали, обрўли, зиёли оилалардан бири саналади. Оила бошлиғи Ҳабибулла ота 40 йиллик умрини тиббиёт соҳасига бағишлаган, фан номзоди, кўплаб иқтидорли шогирдларни камол топтирган, бир қатор ўқув қўлланмалар яратган олим. Оиланинг онахони — Кимё опа ҳам тиббиёт соҳасида 40 йилдан зиёд самарали меҳнат қилган. Улар ярим асрлик аҳил оилавий турмушлари давомида 3 қиз ва 1 ўғилни тарбиялаб, воёга етказдилар. Барча фарзандлари олий маълумотли, элда обрўли одамлар.

Оиланинг кенжа фарзанди Алишер Абдуқодиров Тошкент ахборот технологиялари университети доцент. Айни пайтда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Келини Нодира Абдуқодирова болалар стоматологи. Улар аҳил оила давомчилари сифатида маҳаллада ҳам, ишонада ҳам обрў-эътибор қозониб, икки қиз, бир ўғилни тар-

биялаб келяптилар. Набиралар ҳам бува ва бувиларига муносиб, илмга интилувчан, китобсевар. Тўнғич набира Нозимахон бобобувисининг касбини танлаган. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг 3-босқичида тахсил оляпти. Рус, немис ва инглиз тилларини билади. Турли фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Халқаро танловларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаган. Лицейда ўқитиладиган барча

ҳалладагилар ҳавас қилишади. Фарзандларини билимли, одобли, соғлом қилиб камол топтираётган бундай оилалардан ҳар қанча ибрат олса арзийди. Зеро, фарзанд-набиралар — оиламиз давомчилари, ота-оналар орзуларини рўёбга чиқарадиган, юртимизнинг буюк келажагини қурадиган ворисларимиз. Уларга кўрсатилган эътибор, тарбия, албатта эртага ширин мевасини беради.
Феруза ЖАЛИЛОВА, журналист.

Реклама

«СЕНИ ШАРАФЛАЙМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

«ЎЗБЕКНАВО» эстрада бирлашмаси тақдим этади: биринчи маротаба ва фақат бир кун!

2012 йил 10 ноябрь кuni соат 19:00 да «Истиқлол» санъат саройида.

Миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» деб номланган жонли ижродаги «Марди майдон» қўшиқлар фестивали ўтказилади.



МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.

MUASSIS:
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиblyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 1146
9522
nuxxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 23.25
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5